

Сийрат дарслари (206-дарс) Саломни кўпайтиринг, савобга эришасиз



00:00 / 26.11.2022 3845

792. Имрон ибн Хусойн розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Бир одам Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг олдиларига келиб: «Ассалому алайкум», деди. У зот алик олдилар. Ҳалиги одам ўтирди. Сўнгра Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «**Ўнта**», дедилар. Кейин бошқа бири келиб: «Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи», деди. У зот алик олдилар. Ҳалиги одам ўтирди. Сўнгра у зот: «**Йигирмата**», дедилар. Кейин бошқа бири келиб: «Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуху», деди. У зот алик олдилар. Ҳалиги одам ўтирди. Сўнгра у зот: «**Ўттизта**», дедилар».

Абу Довуд, Термизий ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

(Ушбу ҳадисда салом қанчалик тўлиқ ва мукамал берилса, унга бериладиган савоб ҳам шунча кўп бўлишига ишора қилинпти).

793. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бирортангиз бир мажлисга етиб борганида салом берсин. Ўтиргиси келса, ўтирсин. Ўрнидан турмоқчи бўлганида ҳам салом берсин. Биринчиси кейингисидан афзал эмас»**, дедилар».

Абу Довуд, Термизий ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

794. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бирортангиз бир биродарини учратса, салом берсин. Ораларини дарахт, девор ёки тош ажратса, қайта учрашганларида яна салом берсин».

Абу Довуд ривоят қилган.

795. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«У ёш болалар олдидан ўтаётиб, уларга салом берди ва: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам буни қилардилар», деди».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

796. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Отлиқ пиёдага, пиёда ўтирганга ва озчилик кўпчиликка салом беради ва кичик каттага салом беради»**, дедилар».

Бухорий, Муслим ва Термизий ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан